

ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ОНГИНИ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Ж.Ю.Эргашев

т.ф.ф.д. (PhD)

Б.И. Раҳматов

Осиё халқаро университети магистранти,
Мир Араб ўрта махсус билим юрти мударриси.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада вояга етмаган ёш болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини дунё олимлар шу жумладан Марказий Осиё давлатлари ва Ўзбекистон олимлари томонидан яратилган тадқиқотлар хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Боболар ҳуқуқи, Юнеско, маънавий таҳдид, қадрият, ижтимоий-маънавий муҳит, вояга етмаган ёшлар, жамият, манавият.

Дунёда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини халқаро миқёсда ҳимоя қилишга қаратилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Халқаро Оила куни” резолюцияси, ЮНЕСКОнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси, “Минг йиллик ривожланиш” ҳамда “Болалар ҳаёт кечирishi учун мақбул дунёни яратиш тўғрисида”ги декларациялари вояга етмаган боланинг жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланишини таъминлаш, бола ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни шакллантириш, миллий қонунчиликда болалар манфаатларини муҳофаза этишининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида, оилаларда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, вояга етмаган болаларни маънавий таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар асосида замонавий оилани ривожлантириш, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлодда маънавий - ахлоқий, одоб қадриятларини шакллантириш, оиланинг тарбиявий ва маданий илмий салоҳиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, вояга етмаган болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, руҳий қўллаб қувватлаш тизим ва механизмлар самарадорлигини ривожлантириш,

фарзанд тарбиясида оиланинг жавобгарлигини оширишга эътибор кучайтирилди.

Бугунги кунда республикамизда оила институтини мустаҳкамлаш бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, «Оила жамият ва давлат ҳимоясида» конституциявий тамойилини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш, оилада маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш, илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида миллий менталитетга мос ижтимоий онгни тарбиялаш, “Соғлом оила – соғлом жамият” концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида кенг имкониятлар яратилди. Шу билан бирга дунё ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги таҳликали вазиятда оилада вояга етмаган болаларда ижтимоий онгни тарбиялаш тизимини ривожлантириш зарурати вужудга келди¹.

Оилада баркамол шахсни тарбиялашнинг фалсафий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатлари философ, ҳуқуқшунос, социолог олимлар ўрганишган. Н.Ашурова ўзининг номзодлик диссертациясида Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари ҳамда вояга етмаган шахснинг жисмоний ҳолати ва унга етказилган шикастларнинг таъсири ҳақида ўрганган²

М.Йўлдошев ҳам ўзининг тадқиқотлари давомида тадқиқ этилаётган мавзуга оид изланишларни амалга оширган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёшларини тарбиялаш жараёнида хулқ одоб маданияти ва сиёсий маданиятни шакллантириш муаммолари тўхталиб ўтади³.

К.Нажмиддинова эса, боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларининг пойдевори оила шароитида қарор топиши ҳақида бир қатор монография ва илмий мақолаларида ўз ғояларини илгари суради⁴.

Д.Раҳимбоева ҳам мавзуга оид қатор изланишларни амалга оширганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эндигина эришган йилларини ўзидаёқ ёшларни миллий ўзликни шакллантиришда оила ва маиший ва миллий анъаналар мавзусида тадқиқот амалга оширгани таҳсинга

¹ Давронова Д. С. Вояга етмаган болаларда ижтимоий онгни тарбиялаш жараёнидаги таълим муассасалари, маҳалла ва оиланинг ҳамкорлиги самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари // Оила ва мактаб. 2018. № 7 Б 36-42.

² Ашурова Н. Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг фуқаролик- ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номз. ... дисс. - Т.: 2008. – Б. 142

³ Йўлдошев М. М “Мустақил Ўзбекистон Республикаси ёшларини тарбиялаш жараёнида хулқ одоб маданияти ва сиёсий маданиятни шакллантириш муаммолари” Фал. фан. ном. ... дис. -Т.: 2005. – Б. 119

⁴ Нажмиддинова К.У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни: Фал. фан. ном. ... дис. дисс. -Т.: 2006. – Б 128., Ўша муаллиф. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни / Нажмиддинова Каримахон Усмоновна. – Т.: «Адолат», 2016. 224 б.

сазовордир¹.

З.Солиева эса, вояга етмаган болаларнинг фуқаролик ҳуқуқий моқоми хусусида номзодлик диссертациясини ёзади. Унда вояга етмаган ёшларни ҳақ-ҳуқуқлари масаласини кўтарганлигини кўриш мумкин².

М.Ўразалиев томонидан тадқиқ этилган йўналиш – бу Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш га қаратилганлиги эътиборлидир³.

Оилада бола тарбиясининг турли жиҳатлари ҳақида ўзбекистонлик педагог олимлар қатор тадқиқотларни амалга оширган.

“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш мисолида ўсмирларни оилавий ҳаётга маънавий тайёрлашнинг ижтимоий педагогик шарт-шароитларини ўрганган М.Абдуллаева оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири “Болани у яшаб турган жамият маданияти, тарихи, ахлоқ меъёрлари, халқ анъаналари тажрибаларини ўрганишга йўналтиришдан иборатдир” деган фикр билдиради⁴.

М.А.Абдуллаеванинг ҳам мавзу борасида тадқиқотларни келтиришни жоиз деб билдик. Ушбу ўзбек олимаси педагогика йўналишида тадқиқот олиб бориш билан бирга “Оилада мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг эстетик тасаввурларни шакллантириш” борасида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган⁵.

Г.Ш. Арипова оилада Оилада толерантлик тафаккурига оид қарашларни илгари суради. Унинг тадқиқотларида оилада болалар тафаккурида толерантлик ва диний бағрикенглик қадриятларини шакллантириш вазифаси, ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш давлатни мустаҳкамлаш, унинг ҳавфсизлигини муҳофаза қилиш, ёшларни турли мафкуравий ёт ғоялардан асраш, уларни бағрикенглик асосларида ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этиши, толерантлик дунёвий давлатнинг энг зарур хусусиятларидан ҳисобланиши, толерантлик нима? унинг замонавий ва анъанавий моҳияти нимада деган саволга ўз тадқиқотида ечим топишга ҳаракат қилганини айтиш жоиздир. Шу билан бирга олимаоилада толерантликни шакллантириш **“ота-она**

¹ Рахимбоева Д.А. Семейно-бытовые традиции в формировании национального самознания молодёжи (на материалах Республики Узбекистан): Дис... канд. филос. наук. - Т.: 1993. - 154 с.

² Солиева З. Вояга етмаган болаларнинг фуқаролик ҳуқуқий моқоми. Юрид.фан.номз. дисс. - Т.: 2012. -138 б.

³ Ўразалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш. Юрид.ф.ном... дисс... Т.: 2008. – Б. 144.

⁴ Абдуллаева М. Ўсмирларни оилавий ҳаётга маънавий тайёрлашнинг ижтимоий педагогик шарт - шароитлари. (“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш мисолида). Пед.фан.ном. ...дисс., - Т.: 2004. - 132 б

⁵ Абдуллаева М.А “Оилада мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг эстетик тасаввурларни шакллантириш” Пед.фан.ном. ...дисс., - Т.: 2009. – Б. 124

+ *бола + педагоглар + муҳит*” тизимида ташкил этишни илгари суради¹.

Ш.Атаджанова, М.Иномова, оилада ўспирин-ёшларни маънавий-ахлоқий ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш масаласи ҳақида тўхталган². Бу борада олимлар айнан биз муаммо сифатида қараётган мавзу юзасидан тадқиқот қилишмаган бўлсада, вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш борасида қимматли маълумотларни ҳам айтиб ўтишганига гувоҳ бўлиш мумкин.

О.Мусурманова, С.Йўлдошева, А.Мунавваров, А.Мухсиева, Т.Нарбаева, Ш.Шодмонова, Ю.Шаамирова, С.Чиниева, Д. Давронова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган³.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, оилада вояга етмаган болалар ижтимоий онгини тарбиялашда, ўзини ўзи бошқариш органлари, узлуксиз таълим тизими, спорт-соғломлаштириш объектлари ва ижтимоий институтларнинг роли муҳим ҳисобланиб, бу тизим асосида амалга ошириладиган таълим-тарбиявий ишларнинг узвий алоқадорлиги ва узлуксизлигини таъминлаш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Давронова Д. С. Вояга етмаган болаларда ижтимоий онгини тарбиялаш жараёнидаги таълим муассасалари, маҳалла ва оиланинг ҳамкорлиги самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари // Оила ва мактаб. 2018. № 7 Б 36-42.
2. Ашурова Н. Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. номз. ... дисс. - Т.: 2008. – Б. 142
3. Йўлдошев М. М “Мустақил Ўзбекистон Республикаси ёшларини тарбиялаш жараёнида хулқ одоб маданияти ва сиёсий маданиятни шакллантириш муаммолари” Фал. фан. ном. ... дис. -Т.: 2005. – Б. 119

¹ Арипова Г.Ш. Оилада толерантликни шакллантириш муҳим омил сифатида // тесНика 2020 й.1-сон - Б. 46-51, 63. Арипова Г.Ш. Оилада толерантлик тафаккурини шакллантириш (ўсмир ёшдаги болаларнинг) Пед.фан.ном.... дисс. автореф. - Т.: 2011. - 25 б.

² Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Пед. фан. д-ри. ... дис. Т.: 1998. - 316 б., Атаджанова Ш. Оилада ўспирин-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари. Пед.фан.ном. ... дисс. автореф. - Т.: 2011. - 22 б

³ Давронова Д.С. Воспитание идейно-политической культуры молодежи в семье на основе национальных ценностей Педагогическое образование и наука. Научно-методический журнал. №3, 2016 157-160, Davronova D.S. Preparing Young People to Social Relations on the Basis of Formation ideological and Political Culture in the Family Preparing Young People to Social Relations on the Basis of Formation ideological and Political Culture in the Family Eastern European Scientific Journal. ISSN. 2199-7977 Ausgabe 3-2016 47-49, Давронова Д. С. Вояга етмаган болаларда ижтимоий онгини тарбиялаш жараёнидаги таълим муассасалари, маҳалла ва оиланинг ҳамкорлиги самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари // Оила ва мактаб. 2018. № 7 Б 36-42.

4. Нажмиддинова К.У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни: Фал. фан. ном. ... дис. дисс. -Т.: 2006. – Б 128., Ўша муаллиф. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни / Нажмиддинова Каримахон Усмоновна. – Т.: «Адолат», 2016. 224 б.
5. Рахимбоева Д.А. Семейно-бытовые традиции в формировании национального самознания молодёжи (на материалах Республики Узбекистан): Дис... канд. филос. наук. - Т.: 1993. - 154 с.
6. Солиева З. Вояга етмаган болаларнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми. Юрид.фан.номз. дисс. - Т.: 2012. -138 б.
7. Ўразалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш. Юрид.ф.ном... дисс... Т.: 2008. – Б. 144.
8. Абдуллаева М. Ўсмирларни оилавий ҳаётга маънавий тайёрлашнинг ижтимоий педагогик шарт - шароитлари. (“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанини ўқитиш мисолида). Пед.фан.ном. ...дисс., - Т.: 2004. - 132 б
9. Абдуллаева М.А “Оилада мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг эстетик тасаввурларни шакллантириш” Пед.фан.ном. ...дисс., - Т.: 2009. – Б. 124
10. Арипова Г.Ш. Оилада толерантликни шакллантириш муҳим омил сифатида // тесНика 2020 й.1-сон - Б. 46-51, 63. Арипова Г.Ш. Оилада толерантлик тафаккурини шакллантириш (ўсмир ёшидаги болаларнинг) Пед.фан.ном.... дисс. автореф. - Т.: 2011. - 25 б.
11. Иномова М.О. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Пед. фан. д-ри. ... дис. Т.: 1998. - 316 б., Атаджанова Ш. Оилада ўспирин-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари. Пед.фан.ном. ... дисс. автореф. - Т.: 2011. - 22 б
12. Давронова Д.С. Воспитание идейно-политической культуры молодежи в семье на основе национальных ценностей Педагогическое образование и наука. Научно-методический журнал. №3, 2016 157-160, Davronova D.S. Preparing Young People to Social Relations on the Basis of Formation ideological and Political Culture in the Family Preparing Young People to Social Relations on the Basis of Formation ideological and Political Culture in the Family Eastern European Scientific Journal. ISSN. 2199–7977 Ausgabe 3-2016 47-49, Давронова Д. С. Вояга етмаган болаларда ижтимоий онгни тарбиялаш жараёнидаги таълим муассасалари, маҳалла ва оиланинг ҳамкорлиги самарадорлигини оширишнинг долзарб вазифалари // Оила ва мактаб. 2018. № 7 Б 36-42.